Куч — адолатда

2010 йил,
9 сентябрь,
пайшанба
№ 35-36 (290)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги юртимизда катта шодиёна билан нишонланди. Унинг шукуҳи озод, обод ва тинч мамлакатимизнинг бутун ҳудудида — шаҳару қишлоқларида ва кўнгилларимизда ҳамон давом этмоқда. Айниқса, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган байрам тантаналарида янграган самимий тилаклар ва тароналар қалбларимизда бир умрга муҳрланиб қолди.



Президентимиз Ислом Каримов ушбу тантанали маросимда халқимизга ўз самимий табригини билдирар экан, ўтган йиллар давомида эришилган ютуқлар, мустақилликнинг қадри ҳақида ҳам тўхталиб ўтди: *«Бундан ўн тўққиз йил олдин юртимизда эркин ва мустақил демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш, иқтисодиётимизни кескин ва чуқур ислоҳ этиш, аҳолимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган азму қароримиз яккаю ягона тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Бунинг исботини, аввало, шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзи ва оиласи, яқинлари мисолида, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг ҳар томонлама ривожланиб, обод бўлиб бораётгани мисолида яққол кўриши мумкин».*

Дарҳақиқат, мустақиллик — халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўлиқ намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун беқиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Жорий йилда ушбу қутлуғ байрам бутун мамлакатимиз бўйлаб **«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон»** деган эзгу ғоя асосида кенг нишонланди. Бу юртимизда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг олий қадрият сифатида эъзозланиши, ҳаётимиздаги барча янгиланиш ва ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар, аввалambor, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганининг яна бир амалий ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белгиланди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, янги давлат ва янги жамият қуришда асос қилиб олинган беш тамойил амалда ўзини тўлиқ оқлади. Ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда **«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари»** ғояси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизи яратилиб, мамлакат сиёсий ҳаётида кўппартиявийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолияти такомиллаштирилди, суд-ҳуқуқ тизимида, оммавий ахборот воситалари, маънавий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Бир сўз билан айтганда, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш учун, деган ҳаётий тамойил ҳаётимизда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистонда ҳар томонлама асосланган таркибий қайта ўзгартиришлар, фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш дастурини амалга ошириш, экспортга йўналтирилган янги корхоналарнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва транспорт коммуникацияларининг жадал ривожлантирилиши иқтисодиётни барқарор ва мувозанатлашган ҳолда тараққий эттириш имконини бермоқда.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида қилинаётган ишлар ҳам ўз натижасини бермоқда. Барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Истиқлол шарофати билан ўз донимизга, беминнат нонимизга эга бўлдик. Жорий йилда ғаллакорларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига 7 миллион тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этилди. Пахтакорларимиз ҳам юксак мараларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган бандлик даражасини ошириш, меҳнатни рағбатлантириш, аҳоли даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган сиёсат инсон манфаатларига хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Пойтахтимизда "Хабеас корпус" институтини Ўзбекистонда жорий этиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот Маркази томонидан Европа уйи ва Венеция комиссияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Болгария, Дания, Ирландия, Буюк Британия каби давлатларнинг ҳуқуқ идоралари вакиллари иштирок этди.

Шахс эркинлиги кафолати

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Ш.Раҳмонов, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси С.Ҳакимова, Олий суд ҳузуридаги тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдаров ва бошқалар мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар. Конституциямиз, қонунларимиз ва умумэътироф этилган халқаро меъёрларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш, унинг ҳаёти, дахлсизлиги, қадр-қиммати ва бошқа қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалий самарасини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августда қабул қилинган **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармони бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланган ҳолда қабул қилинган мазкур Фармон мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида босқичма-босқич амалга ошириб келаётган сиёсатининг амалдаги тасдиғидир.

(Давоми иккинчи бетда)

2010-yil — Barkamol avlod yili

Эзгу қадрият ва анъаналар

баркамол авлод тарбиясида муҳим омилдир

Юксак эзгу ният, катта мақсадлар билан бошланган «Баркамол авлод йили»нинг ҳар бир кунида сабоқ, ибрат бор. Зотан, ўтаётган ҳар бир кунимиз ўзини шу мустақил Ватан фуқароси деб ҳисоблаган инсон олдига: «Сен бу йилда кўзланган мақсадлар рўёбга чиқиши учун қандай ҳисса қўшяпсан?» — деган ҳақли саволни қўяди. Ёшларга сабоқ бераётган, уларнинг тафаккуридаги юксалишлар учун бевосита масъул инсонларнинг бу саволга жавоби аниқ, албатта.



Оилада ҳар бир ота-она фарзандини эзгу қадрият ва анъаналар руҳида тарбиялайди, касб-ҳунарга ўргатади. Лекин мен уларнинг фарзандлари маънавий дунёси шаклланишига янада катта эътибор беришини истардим. Дейлик, мактабдаги дарсларда миллатимиз фахри, ғурури бўлган буюк аждодларимиз ҳақида етарлича билим берилади. Мен эса бу муқаддас мавзу оилада ҳам изчиллик билан давом этса, дейман. Чунки шундагина маънавий тарбия мукаммаллик касб этади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Мамлакатимизда қонун ижодкорлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида қонунларимиз нафақат пухта ва пишиқ тайёрланмоқда, балки фуқаролар манфаатига хизмат қилувчи янгича асослар билан бойимоқда. Фуқаролик процессуал қонунчиликда илк марта ўз ифодасини топган фуқаролик ишларини сиртдан кўриш институти шулар жумласидандир.

Ҳал қилув қарори

уни сиртдан чиқаришнинг талаб ва шартлари

Сиртдан иш кўришнинг асосий мақсади — фуқаролик процессида тарафларнинг, айниқса, жавобгарнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун процессуал жавобгарликни ошириш, низоли масалани ҳал этишни тезлаштириш, шунингдек, судьяларнинг ихтиёрида бўлган ишларни ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш орқали манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Бугунги кунда сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳуқуқ тизимида жорий этилган.

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш — суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишлича хабардор қилинган жавобгарнинг суд процессига узрсиз сабабларга кўра келмаслиги ва унинг иштирокисиз, даъвогарнинг албатта, розилиги билан ишни мазмунан кўриб чиқишдир.

Фуқаролик ишларини сиртдан кўриб чиқиш жараёнида қонунда назарда тутилган тартиб ва шартлар мавжуд бўлиб, ўз навбатида, уларга риоя қилиниши иш юзасидан чиқарилажак ҳал қилув қарори қонуний, асосли ва адолатли бўлишининг кафолати ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

Mohiyat

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шу жумладан, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи Бош қомусимизда кафолатланган ва бу қоидалар қонунчиликда ҳам акс этган. Хусусан, Жиноят кодексининг 2-моддасида шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш масаласи ўз ифодасини топган.

Зарар бартараф этилса

томонларнинг манфаатларига путур етмайди

Маълумки, ҳар қандай объект муайян субъектга тегишли бўлиб, унга етказилган зарар моддий ёки маънавий кўринишда намоён бўлади. Шу ўринда Жиноят кодексининг асосий принципларидан ҳисобланган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, энг аввало, етказилган моддий ва маънавий зарарни бартараф этишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Одатда, моддий зарар мулкка етказилган зарар кўринишида бўлиб, унинг дастлабки ҳолатига нисбатан камайиши, ўзгариши, йўқ бўлиб кетиши зарар етказилганидан далолат беради. Шуни назарда тутиш керакки, моддий зарар етказилиши билан бирга, мулк эгаси маънавий зарар ҳам кўриши мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Мамлакатимизнинг сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий, ижтимоий-маънавий ҳаётида амалга ошириб келинаётган туб ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилаётгани билан қимматлидир. Айниқса, ўтган давр мобайнида суд-ҳуқуқ тизими, бу борадаги қонунчилик базаси тубдан янгиланди. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани эса бугун ўзининг аниқ самарасини бермоқда.

Инсонпарварлик — асосий мезон

Жазо тайинлаш тамойили ҳақида фикр юритганда, аввало, шундай табиий савол туғилади: хўш, жазо нима? Уни тайинлашдан кўзланган асосий мақсад нималардан иборат?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир. Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Табиийки, айбдорга қилмишига яраша жазо тайинланади. Жазоларнинг эса қуйидаги асосий турлари мавжуд: жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Амалдаги қонунларда жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиш ҳам кўзда тутилган. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар Жиноят кодексининг 55-моддасида ўз ифодасини топган. Буларга айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин кўнгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш, етказилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиш, оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида жиноят содир этиш, мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа тарафдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш ва бошқалар киради.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

Инвесторлар ҳуқуқ ва манфаати

қонун асосида таъминланмоқда

Маълумки, мамлакатимизда бозор иқтисоднётига ўтиш даврида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш баробарида хорижий инвестиция ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ривожлантириш борасида ҳар томонлама қулай бўлган шароит яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Мамалакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришни, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашишини таъминловчи устувор лойиҳалар амалга оширилиши хомашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга йўналтирилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларни инвестициялашнинг ҳар бир аниқ ҳолатида инвесторларга қўшимча кафолат ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) тақдим этиш назарда тутилган қонунчилик базаси шакллантирилди.

Мамлакатимизда ҳозирги кунга келиб чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш механизми тўлиқ шакланган.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Шахс эркинлиги кафолати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Улардан суднинг қарорисиз маҳрум қилишга ёки уларни чеклашга ҳеч ким ҳақли эмас. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг прокуратура идораларидан судлар ваколатига ўтказилиши ана шу конституциявий меъёрни амалга ошишини таъминламоқда. Бу билан инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъминлашга қаратилган механизм — "Хабеас корпус" институти яратилди. Бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт қоидалари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа тамойил ва меъёрларини Ўзбекистон қонунчилигига имплементация қилиш ишларининг изчиллигини кўрсатади.

2008 йил 1 январдан кучга кирган **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонун билан суд томонидан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтиришнинг процессуал тартиби, шунингдек, жиноят процессида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг процессуал кафолатлари кучайтирилди. Мазкур қонун ижроси амалиётда изчил таъминланиб, фуқаролар манфаатига хизмат қилаётир.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистонда ушбу йўналишда қилинаётган ишлар, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар билан батафсил таништирилди. Шунингдек, "Хабеас корпус" институтидан амалиётда қандай фойдаланилаётганлиги ва унинг самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ўтган қисқа даврда суд-ҳуқуқ соҳасида кўплаб ютуқлар қўлга киритилди, — **деди Европа комиссиясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Пьер-Пол Антониссенс**. — Бу халқаро миқёсда эътироф этилган. Ушбу йўналишда биз ўзаро самарали ҳамкорлик қилаётганимиздан жуда мамнунмиз. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида "Хабеас корпус" институтини миллий қонунчиликка жорий этишга оид ишлар муваффақиятли бошланди. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг муҳим кафолати бўлган бу институтнинг амалиётдаги самарадорлигини янада такомиллаштириш, бу борада ҳамкорликни ривожлантириш юксак самаралар беришига ишонамиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Бош прокуратураси масъул ходимлари, адвокатлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги миллий ва халқаро экспертлар, шунингдек, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этган тадбирда қамоққа олишга санкция беришга оид миллий қонунчилик, инсон ҳуқуқларини таъминлашда адвокатуранинг ўрнига бағишланган маърузалар тингланди.

Норгул АБДУРАИМОВА

Mohiyat

Зарар бартараф этилса

томонларнинг манфаатларига путур етмайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жиноят-процессуал кодексининг бешинчи бўлимида жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш масаласи батафсил ёритилган. Жиноят процессида кўриладиган фуқаровий даъволар ушбу кодекснинг 275-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, шунингдек, жабрланувчининг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади.



Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги **«Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорида моддий зарар юзасидан тушунтиришлар берилган бўлса, 2000 йил 28 апрелдаги **«Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги қарорда маънавий зарар юзасидан тушунтиришлар берилган.

Моддий зарар етказилишига олиб келган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги принципига амал қилиш, ўз ўрнида, албатта, моддий зарарнинг қопланишини таъминлашга замин яратади. Бироқ шу ўринда айбдор шахс томонидан моддий зарарнинг ихтиёрий қопланиши унга нисбатан жазонинг енгиллаштирилишига ёки бутунлай жавобгарликдан ёхуд жазодан озод қилишга асос бўлишини қайд этиш жоиз.

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг изчил амалга оширилиши натижасида жиноий жазоларнинг либераллаштирилишига ҳуқуқий замин яратилди.

2001 йил 29 августдаги **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун билан Жиноят кодексининг бир қатор моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур қонун билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида ярашув институти жорий қилинди, айрим жиноятларнинг таснифланиши енгиллаштирилди, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар ихтиёрий қопланган тақдирда айбдор шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги тўғрисидаги меъёрлар амалда жорий этилди.

Суд амалиётида мазкур қонунларнинг қўлланилиши таҳлил қилинганида, биргина жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа тумани судида 2010 йилнинг биринчи ярмида кўрилган жиноят ишлари бўйича жами 868 миллион сўмдан зиёдроқ миқдорда моддий зарар ўрни қопланганлиги муносабати билан 27 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланганги ва 43 нафар шахс жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилингани маълум бўлди.

Моддий зарарнинг ихтиёрий қопланиши, энг аввало, ижтимоий адолатни ўрнатиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, зарар кўрган субъектларнинг ҳуқуқлари тикланишига олиб келиш билан бирга, иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам салмоқли ҳисса қўшади.

Шавкатжон ШОДМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Қўрғонтепа тумани судининг раиси

Iftixor

Бу муқаддас ватанда азиздир инсон

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида иш ўринлари қисқариши давом этаётган бир пайтда 2010 йилнинг биринчи ярмида 509 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этишга эришганимиз катта муваффақиятдир.

Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилнинг **«Баркамол авлод йили»** деб эълон қилингани замирида чуқур маъно-мазмун мужассам. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт**.

Шу маънода уларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, бахт ва иқболи учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан этиб белгиланган. Аслида, бу халқимизнинг табиатида бўлган эзгу фазилатдир. Шунинг учун ҳам барча эзгу ниятларимиз замирида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассам.

Давлатимиз раҳбарининг болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарори фарзандларимизнинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ, бу йўналишдаги ишларнинг кўлами янада кенгайди. Байрам арафасида В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг биноси капитал реконструкция қилингани бунинг яна бир тасдиғидир.

Иқтидорли ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, бошланғич ихтисослаштирилган мусиқа таълимини янада такомиллаштириш ҳамда шу асосда мусиқа маданияти ва санъат соҳасида юқори маҳоратли кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, жорий йилда лицей учун яна битта янги ўқув биноси барпо этилди, собиқ Республика мусиқа коллежининг биноси негизидаги ўқув корпуси тубдан қайта таъмирланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур ўқув даргоҳининг капитал таъмирдан чиққан биноси билан танишар экан, мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади халқимиз, айниқса, ёшлар қалбида буюк келажакка интилиб яшаш туйғусини мустаҳкамлашдан иборатлиги, бу болаларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс, замонавий инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида Бухоро шаҳрида **«Кўҳна ва боқий Бухоро»** монументининг очилгани мамлакатимиз ҳаётида улкан воқеа бўлди.

Мустақиллик йилларида Бухоро вилоятида ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Туб мақсади инсон манфаатлари устуворлигига қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар натижасида вилоятнинг саноат салоҳияти юксалди, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, шаҳар ва қишлоқлар тобора чирой очаётир.

Яқинда барпо этилган «Бухоро маданий маркази» мажмуи бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида алоҳида ўрин тутади. 107 гектардан иборат мазкур мажмуада йирик иншоотлар — 700 ўринли вилоят мусиқали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, **«Кўҳна ва боқий Бухоро»** монументи қад рослади. Мазкур объектлар Бухоронинг ўзига хос меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура андозалари уйғунлигида барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари **«Кўҳна ва боқий Бухоро»** монументи билан танишар экан, жумладан, шундай деди: «Тарихдан маълумки, қадимда Бухородан олтин конлари топилган. Бугунги кунда ҳам Бухоро тилласи асл тилла ҳисобланади. Лекин Бухорони шариф шаҳарга айлантирган унинг фидойи, меҳнаткаш одамларидир».

Монумент марказида уч авлод — бахтиёр ёш оила — ота, она ва бола, ниҳол ўтказаётган бобо ва набира ҳамда уй қураётган ота ва ўғилнинг барельефли ҳайкаллари акс эттирилган. Бунда чуқур фалсафа бор: ҳаёт абадий, умр ўткинчи, инсоннинг эзгу амаллари мангу қолади, бу дунёда инсон эзгу ишлар қилмоғи лозим, фарзандлари келажагини, эл-юртининг эртасини ўйламоғи даркор.

— Бухорога келган, бухороликлар ҳаёти билан танишаман, деган одам монументда ифодаланган бу ғояларидан хулоса чиқаради, — деди Президентимиз. — Бу ғояларни барчага, биринчи навбатда, ёшларимизга кенг ва чуқур тушунтиришимиз керак. Баркамол авлод тарбиясида унинг аҳамияти катта. Буюк келажагимизни яратишда, аввало, мустақил фикрлайдиган фарзандларимизга, шу юртни ягона, бетакрор Ватан, деб билган ёшларимизга суянамиз. Бугун Ўзбекистонимиз эришган буюк марраларда, оламшумул ютуқларда ёшларимизнинг ўрнини, уларнинг ҳал қилувчи кучга айланганини кўрамиз.

Дарҳақиқат, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллаётган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлод бизнинг ёруғ келажагимиз эгаси ва айни дамда яратувчиларидир. Шундай фидойи ёшлар бор экан, юртимизнинг эртаси ёруғ, мустақиллигимиз боқийдир!

Муаттархон РЎЗИБОЕВА

Qonun ko`magi

Инвесторлар ҳуқуқ ва манфаати

қонун асосида таъминланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги **"Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорига асосан хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида бошқармани хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бошқармага 2010 йилнинг 6 ойи давомида хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир 26 та ариза ва шикоят келиб тушган бўлиб, уларнинг аксарияти қаноатлантирилган. Масалан, вилоят адлия бошқармаси томонидан Қарши шаҳридаги "Ўзсувуралтраксервис" Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси директорининг шартномага асосан Қарши шаҳридаги Жанубий ХДААЙСИТФДК (халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси) ташкилотига кўрсатилган техникаларни таъмирлаш ишлари ва бажарилган хизматлар ҳақини ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб ёзган мурожаати ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида тўпланган ҳужжатлар асосида жавобгар Жанубий ХДААЙСИТФДК ташкилотидан 10 964 041 сўм асосий қарз ва 4 385 616 сўм пеня ундириш ҳақида Қашқадарё вилояти хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Ушбу даъво аризаси суд томонидан кўриб чиқилиб, жавобгардан асосий қарз ва 877 123 сўм пеня ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Бошқарма томонидан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб, тегишли судларга жами 38 та 356 миллион сўмликдан зиёд даъво аризаси киритилди.

Бундан ташқари бошқармага келиб тушган мурожаатларни ўрганиш давомида ва иш режасига асосан жойларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли идораларга 11 та тақдимнома, 10 та огоҳнома ва 4 та маъмурий жавобгарликка торишш юзасидан таклиф киритилди. Киритилган тақдимномалар натижасида 11 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди ва 3 нафар мансабдор шахс вазифасидан озод этилди ҳамда 3 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бошқарманинг хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даврида вилоятимизда мавжуд хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда мониторинг ҳам ўтказилди. Жумладан, бўлим томонидан вилоят адлия бошқармасининг иш режасига асосан Қарши шаҳрида жойлашган МЧЖ шаклидаги "Қарши ёғ экстракция" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида ўтказилган мониторинг жараёнида Қашқадарё вилояти давлат ветеринария бошқармаси бошлиғининг ўринбосари О.Абраев томонидан қўшма корхонада ўтказилган текшириш давомида қўшма корхонанинг текширишларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзувларни киритишда амалдаги қонун талаблари бузилиши ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан Қашқадарё вилояти давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди. Бу тақдимномага асосан Қашқадарё вилояти давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи ўринбосари О.Абраевга нисбатан "ҳайфсан" интизомий жазоси берилди.



Кўриниб турибдики, мамлакатимизда чет эллик инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоя механизми самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатимизда қулай шарт-шароит яратилганидан, бу соҳага жиддий эътибор берилаётганидан далолатдир.

Хусан ХЎЖАМҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Jinoyatga jazo muqarrar

Сайёҳ

Жиноятчининг миллати бўлмайди. Бу борада ҳамманинг фикри доимо бир жойдан чиққан.

Айтиш керакки, мамлакатимизга сайёҳ сифатида ташриф буюрган Камерун Республикаси фуқароси Паул Камдем Куате ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидек, фирибгарлик йўли билан бойишни ният қилган эди. Аммо...

Аслида, Паул Камдем мамлакатимизга сайёҳ сифатида ташриф буюради. Унинг сафар режасига Самарқанд, Бухоро ва Фарғона шаҳарларида бўлиш қайд этилган. Хорижлик сайёҳни Тошкент халқаро аэропортида "Сафар тур сервис" фирмаси вакили Р.Муслимов кутиб олади. Р.Муслимовнинг хизмат вазифасига хорижлик сайёҳларни кутиб олиш, уларни меҳмонхонага жойлаштириш ва юртимизнинг қадимий, эътиборни тортадиган, сайёҳларнинг сафар режасига киритилган шаҳарлар билан таништириш ва таржимонлик қилиш киради. Р.Муслимов ўз ваколатидан келиб чиқиб, Паул Камдемни "Тошкент Палас" меҳмонхонасига олиб боради. Лекин "бойвачча" мижозга негадир бу меҳмонхона ёқмайди. Шундан сўнг таржимон уни "Интерконтинентал" меҳмонхонасига бошлайди. Ушбу меҳмонхона мижозга маъқул келади. Меҳмонхонага жойлашган Паул Камдем Р.Муслимовнинг хизматидан воз кечади. Балки "воз кечади", деган иборани нотўғри ишлатгандирмиз. Чунки мижоз Р.Муслимовнинг қўл телефони рақамини олади ва унга ўз рақамини бериб, зарур пайтда чақиришини айтади. Лекин...

Лекин у шундан сўнг Р.Муслимовни бирор марта ҳам йўқламайди. Аксинча, Р.Муслимовнинг ўзи унга бир неча маротаба қўнғироқ қилиб, қачон бориши кераклигини сўрайди. Чунки бу унинг тўғридан-тўғри хизмат вазифасига киради. Аммо мижоз унга ҳар сафар "ўзим қўнғироқ қиламан", деб жавоб беради. Орадан бир неча кун ўтгач, Паул Камдем Р.Муслимовнинг қўнғироқларига умуман жавоб бермай қўяди. Гапнинг дангалини айтганда, Р.Муслимов ўз хизмат вазифасини бажарса, Паул Камдемнинг жиноий режалари чиппакка чиқарди. Шунинг учун ҳам у Р.Муслимовнинг хизматидан фойдаланишдан бўйин товлайди.

Албатта, кимнинг хизматидан фойдаланиш мижознинг шахсий иши. Шунинг учун ҳам Р.Муслимов уни бошқа безовта қилмайди. Бу вақт орасида Паул Камдем аллақачон ўз "фаолият"ини бошлаб юборган эди. У бир юмалаб сайёҳдан "тижоратчи-бойвачча"га айланади. Аввалдан тажрибаси бор, шекилли, у "ов"ни "Интерконтинентал" меҳмонхонаси яқинида жойлашган қаҳвахоналардан бошлайди. У биринчи ташриф буюрган "Бибигон" қаҳвахонасининг ўзидаёқ унга омад кулиб боқади.

У йўлини қилиб, қаҳвахонада ўтирган тўрт улфат — Д.Эгамбердиев, К.Кулбаев, Б.Каримов ва Т.Нурмуҳамедовнинг даврасига қўшилади. Буни қарангки, фирибгарнинг бахтига К.Кулбаев инглиз тилини билар экан. Улар аввалига ўзаро суҳбатлашадилар. Кейин К.Кулбаев "тижоратчи-бойвачча"ни улфатларига таништиради. Албатта, мақсади фирибгарлик бўлган Паул Камдем улардан ўзининг кимлигини яширади. Тўртовлонга ўзини Франция фуқароси, асли африкалик Муҳаммад, деб таништиради. Гап орасида ўзининг Дубайдан Ўзбекистонга қурилиш моллари етказиб берувчи тижоратчи эканлигини ҳам қистириб ўтади. Суҳбат жараёнида у қаҳвахонада хизмат қилаётган қизга қимматбаҳо буюртмалар беради. Шунингдек, у чўнтагидан бир даста АҚШ доллари чиқариб, беписандларча қаҳвахона хизматчиси қўлига тутқазади. Ҳатто қайтимини олишни ҳам истамайди.

Бу, аслида, тўртовлонга қўйилган тузоқ эди. Чунки суҳбат асносида Паул Камдем улфатлардан бири бозорда қурилиш моллари билан савдо қилишини билиб олган эди. Шунинг учун ҳам у ёнидаги долларларни кўз-кўзлаб, улфатларга ўзини ҳотамтой қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Буни қарангки, унинг пинҳона режаси иш беради. Бозорда қурилиш моллари савдоси билан шуғулланувчи Д. Эгамбердиев унга ҳамкорликни таклиф қилиб қолади. Пихини ёрган Паул Камдем унинг таклифига бирдан рози бўлмайди. Агар шундай йўл тутса, сири очилиб қолишидан чўчийди, шекилли, "ҳамкорлари билан маслаҳатлашиб кўриши зарур"лигини айтиб, унга телефон рақамини беради.

Эртаси куни Паул Камдемга қўнғироқ қилган Д.Эгамбердиев уни кечки овқатга таклиф қилади. Тўкин дастурхон устидаги суҳбатда Паул Камдем Д.Эгамбердиев ва К.Кулбаевга ёнидаги "Ноутбук" русумли компьютердан турли хил қурилиш материаллари, асосан, қимматбаҳо ёғоч ва тахталарнинг суратини кўрсатади. Агар қурилиш моллари Ўзбекистонга у таклиф қилаётган нархларда олиб келинса, фойданинг тагида қолиш мумкин. Бу тижоратчилар тилида бирни ўн қилиш, дейилади. Тижорат йўлида энди-энди атак-чечак қила бошлаган йигитлар учун эса, бу айни муддао эди. Шунинг учун ҳам йигитлар унинг ҳар бир кўрсатмасига сўзсиз итоат қилишга рози эдилар. Янги ҳамкорлар аллақачон ўзи қўйган тузоққа тушиб улгурганини англаган Паул Камдем салмоқлаб сўз бошлайди:

— Бундай катта тижорат учун катта маблағ зарурлигини яхши биласизлар. Сизлардан бошқа тижоратчилар ҳам шартнома имзолаш мақсадида ортимдан югуриб юришибди. Лекин менга сизларнинг дангалликларинг ёқиб қолди. Шунинг учун фақат сизлар билан ишламоқчиман. Иш бошлаш учун тўрт юз минг доллар керак. Бу маблағнинг тенг ярмини, яъни икки юз мингини сизлар, қолган икки юз мингини мен тикаман. Фойда тенг бўлинади. Мана менинг улушим...

Пихини ёрган даста долларни чиқариб, янги ҳамкорларига кўрсатади. "Қолгани меҳмонхонада турибди", дейишни ҳам унутмайди. Чунки унинг бирон-бир хатти-ҳаракати шубҳа уйғотмаслиги керак эди. Шундай бўлди ҳам.

Улар эртаси куни меҳмонхона олдида учрашишга келишиб, хайрлашишди.

Энди янги ҳамкорларга шунча пулни қаердан топиш ташвиши тушган эди. Шошган ўрдак боши қолиб, думи билан сувга шўнғийди, деганларидек, шаввозлар ўша куннинг ўзидаёқ ўзларида йўқ икки юз минг долларни топиш ҳаракатига тушадилар...

* * *

Айни пайтда фирибгарликнинг ҳадисини олган Паул Камдем бир эмас, бир неча "йўналиш"да "иш" олиб бораётган эди. У меҳмонхонага жойлашган куннинг ўзидаёқ шу яқин атрофдаги дўконлардан бирига киради. Бу ерда ҳам унинг омади кулади, шекилли, сотувчи А.Йўлдошев инглиз тилини билар экан. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашишган харидор ва сотувчи дарров тил топишиб кетишади. Паул Камдем А.Йўлдошевга ўзини катта тижоратчи қилиб кўрсатади.

У хориждан Ўзбекистонга қаҳва, какао, банан ва бошқа цитрус мевалари, шунингдек, дуб дарахти олиб келишни режалаштираётганини, бошқа қатор давлатларда ҳамкорлари борлигини, бир ўзи тижорат ишларига улгурмаётганини айтаркан, ўзига ишончли ва жиддий шерик қидираётганини қистириб ўтади.

Huquqiy ma`rifat

Ҳал қилув қарори

уни сиртдан чиқаришнинг талаб ва шартлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги **"Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"**ги қарорининг 14-бандида тушунтириш берилишича, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар ишнинг кўрилишига эътироз билдирмаган бўлса, суд иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Фуқаролик процессуал кодексининг 225-моддасига мувофиқ, даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан кўришга рози бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдириши ва келмаган жавобгарга ишнинг янгидан кўрилиш вақти ва жойи ҳақида қайта хабар юбориши лозим.

Фуқаролик процессуал кодексининг 229, 235-моддаларига биноан, суд мажлисида иштирок этмаган тараф сиртдан ҳал қилув қарори чиқарган судга шу ҳал қилув қарори унга тегишли тартибда маълум бўлган кундан бошлаб ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақлидир. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори уни чиқарган суд томонидан бекор қилинган тақдирда ишни мазмунан кўриш тикланиб, у Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган қоидалар асосида кўрилади.

Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш билан боғлиқ процесснинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда далилларни ўрганиб, текшириб чиқиш чегаралангган бўлади, яъни суд ишда мавжуд далилларни текшириш билан кифояланади. Сиртдан иш юритиш тартибида кўрилганида даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин бўлмайди. Чунки сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш жараёнида даъвогарнинг ўз даъвосини асослайдиган далиллар доираси, даъво предмети, талабларининг миқдори жавобгарга топширилган даъво аризасининг нусхаси ва чақирув қоғозида аниқ белгилаб қўйилади.

Сиртдан иш юритишнинг якуни сифатида суд ҳал қилув қарори чиқаради. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг мазмуни Фуқаролик процессуал кодексининг 206-моддаси қоидалари билан белгиланади.

Умумий асосларда чиқарилган ҳал қилув қарорларидан фарқли равишда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг баён ва асослантириш қисмларида жавобгарнинг эътирозлари ва бошқа шу кабилар бўлмайди. Шунингдек, энг муҳим фарқ — сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида бу ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш ҳақида ариза бериш муддати ва тартиби кўрсатилган бўлиши талаб этилади.

Суд ҳал қилув қарорлари устидан бериладиган апелляция ёки кассация шикоятларидан фарқли равишда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза берганлик учун давлат божи тўланмайди.

Фуқаролик процессуал қонунчиликда сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризага қўйилган талабларга риоя қилмаслик оқибатлари назарда тутилмаган. Ушбу ҳолатда, фикримизча, қонун аналогияси қоидаларидан келиб чиқиб, суд ушбу аризани ҳаракатсиз қолдириши ва ундаги камчиликларни бартараф этиш учун муҳлат бериши лозим. Акс ҳолда, ариза берилмаган ҳисобланиб, даъвогарга қайтарилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади. Шунингдек, қонун сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш асосларини ҳам назарда тутмайди. Фикримизча, агар ариза судловлилик қоидаларига зид равишда ёки ариза билан мурожаат қилиш ваколатига эга бўлмаган шахслар томонидан тақдим этилган бўлса ёхуд белгиланган муддатни ўтказиб мурожаат қилиниб, ушбу муддатни тиклаш ҳақидаги талаб мавжуд бўлмаса, суд аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим қабул қилиши лозим.

Қонун талаблари асосида берилган сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза суд томонидан қабул қилинади. Суд ишда иштирок этувчи шахсларни сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилади, уларга шу ариза ва унга илова қилинган материалларнинг нусхаларини юборади.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган умумий муддатларга нисбатан қисқа муддатларда кўрилади. Хусусан, суд сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги аризани ариза тушган пайтдан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқади. Бу эса ушбу тоифадаги ишларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Юқорида таъкидланганидек, фуқаролик процессуал қонунда суд қарорларини қайта кўришни талаб қилиш борасида даъвогарга қарагандa жавобгарга бир қатор имтиёзлар назарда тутилган. Бу имтиёзлардан бири жавобгарнинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўришнинг икки хил воситасини танлаш имкониятига эга бўлиши ҳисобланади. Биринчи имконият сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш бўлса, иккинчиси сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан Фуқаролик процессуал кодексининг 37-бобида назарда тутилган қоидалар асосида апелляция тартибида шикоят беришдир.

Фуқаролик процессуал кодексининг 312-моддасига кўра, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори устидан апелляция тартибида шикоят бериш, протест келтиришга қуйидагилар асос бўлади:

1) иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

2) суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

3) суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;

4) моддий ҳуқуқ меъёрлари ёки процессуал ҳуқуқ меъёрларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланганлиги.

Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори, агар унинг устидан шикоят берилмаган ёки протест келтирилмаган бўлса, апелляция шикояти бериш ва протест келтириш муддати ўтганидан сўнг қонуний кучга киради. Фуқаролик процессуал кодексининг 320-моддасига кўра, суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бериши, прокурор протест келтириши мумкин. Ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилган ёки апелляция протести келтирилган тақдирда, ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, ишни юқори инстанция суди кўриб чиққач, қонуний кучга киради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши умумий асосларда чиқариладиган ҳал қилув қарори каби муайян ҳуқуқий оқибатларни, хусусан, ижронинг мажбурлиги, рад қилиб бўлмаслик, ягоналик, преюдициаллик каби оқибатларни юзага келтиради. Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори ҳам низолашаётган тарафларнинг ҳуқуқ ва қонун билан ҳимояланаётган манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам судлар сиртдан ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласига алоҳида масъулият ва эътибор билан ёндашиши лозим.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлари доктори

Islohot va samara

Инсонпарварлик — асосий мезон

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан яна бири — етказилган зарар ўрнини ихтиёрий равишда қоплашдир. Яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, қонуннинг мазмун-моҳиятига кўра, зарар ўрнини қоплаш ҳар қандай турдаги — жисмоний, мулкий, маънавий зарарга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Жиноят учун жазо тайинлаш ҳақида фикр юритар эканмиз, бевосита суд амалиётидан мисол келтириш мақсадга мувофиқдир.

Фуқаро Абдураҳим Холбоев (исм-шарифлар ўзгартирилди) фарзандлари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ҳамқишлоқларидан бир неча нафарини алдаб, тегишли рухсатнома олмай, қўшни юртга олиб боради ва уларни қийин шароитда ишлатиб, жами 5 миллион 635 минг сўм иш ҳақини бермай келган.

Бир оиладан уч нафар шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги учун қилмишларига яраша жазо олишди. Одам савдоси билан шуғулланиб, фарзандларини ҳам шундай жирканч иллатга тортган А.Холбоев 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Масаланинг иккинчи томони — фарзандлар ҳам жазодан четда қолмади. Суд ишни чуқур таҳлил қилиб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни ўрганиб чиқди ва жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаб, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни муҳокама қилди.

Судланувчилар оғир турдаги жиноят содир этишган бўлса-да, суд ушбу жиноят иши бўйича бир оиланинг уч нафар аъзоси судланаётганлигини инобатга олиб, А.Холбоевнинг икки нафар фарзандига Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда ахлоқ тузатиш иши жазоси белгилади.

Яна бир мисол: Жиноят кодексининг 25-, 273-моддаси 5-қисми билан айбли деб топилган фуқаро Б.Турсунов (исм-шарифлар шартли) 1,922 грамм кўп миқдордаги героин гиёҳванд моддасини Андижон шаҳридан сотиб олиб, ўзгаларга ўтказиш мақсадида Ҳаққулобод шаҳрига олиб кетаётганда Норин тумани ИИБ назорат масканида қўлга олинади. Шу тариқа гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шуғулланиб, саломатликка жиддий хавф солувчи оғу тарқалишига сабабчи бўлган жиноятчининг қилмишига чек қўйилди.

Суд ҳайъати айбдорга жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, Б.Турсуновга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллашни лозим деб топди. Суд ҳукми билан Б.Турсунов қонунда назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш жазоси бўйича белгиланган жазо муддатидан ҳам камроқ, яъни 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Жиноят кодексининг 8-, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.

Айнан юқорида муҳокама қилинаётган ҳолатлар бўйича тушунтиришлар бериш, амалдаги қонунларимизда назарда тутилган жазо чораларининг суд амалиётида тўғри қўлланилиши, одил судловни изчил амалга ошириш мақсадида 2006 йил 3 февралда Олий суд Пленумининг **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди. Унда судлар томонидан жиноят учун жазонинг тўғри тайинланиши, одил судловни амалга оширишнинг муҳим жиҳатлари белгилаб берилди. Зотан, адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган асосий мақсадларга — маҳкумни ахлоқан тузатиш, янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мамлакатимизда мустаҳкам қонунчилик базасини шакллантириш билан бир қаторда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича самарали ишлар амалга ошириб келинмоқда. Демак, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар одил судловни амалга оширишда, жиноят учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашда ҳамда қонунларимизнинг инсонпарварлик тамойилларига асосланганлигини намоён этишда фаолиятимиз мезони бўлиб хизмат қилиши лозим.

Умиджон МАДРАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Норин тумани судининг раиси

Saboq

Ҳалолликда ҳикмат кўп

Миллий валюта — ҳар бир давлатнинг мустақиллиги рамзидир. Шу маънода миллий валютамиз – сўм билан ҳақли равишда фахрланамиз. Мамлакатимиз иқтисодиётининг пойдевори бўлган ўзбек сўми жаҳон бозорида ҳам салмоқли ўрин ва эътиборга эгадир.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, миллий валюта билан ҳам, чет эл валюталари билан ҳам муомала қилишнинг ўзига яраша тартиб-қоидалари бор. Зотан, ушбу қоидалар жаҳон бозоридаги иқтисодий муносибликни сақлашга, иқтисодиёт ривожига ғов бўладиган тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам хорижий валюталар билан Марказий банк томонидан белгилаб қўйилган курс асосида муомала қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жиноят кодексининг 177-моддасида валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳаётда миллий валюта ва чет эл валюталарининг ноқонуний олди-сотдисини амалга ошириб, шунинг ортидан бойлик тўплашга уринадиган кимсалар ҳам учраб туради. Шу боис ҳам валюта қимматликларининг қонунга зид олди-сотдиси билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг доимий эътиборида туради.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, 1978 йилда Тошкент вилоятида туғилган, икки нафар фарзанднинг отаси Ғайрат Холиқулов ўзининг манфаатини ўйлаб, жиноий қилмишга қўл урди. Аслида, тайинли бир ишнинг бошини тутмай, кунларини бекор ўтказаётган бу кимса биринчи марта жиноят содир этаётгани йўқ.

(Давоми тўртинчи бетда)

қиёфасидаги фирибгар

Паул Камдемнинг қўлидаги даста-даста долларни кўриб, унинг сўзларига лаққа учган А.Йўлдошев бу ҳақда дўсти Д.Исмоиловга айтади. Навоий вилоятида истиқомат қилувчи тадбиркор Д.Исмоилов ҳам унинг сўзларига ишониб, Тошкент шаҳрига йўл олади.

Хуллас, янги ҳамкор ҳам осонгина унинг тузоғига тушади. Қурилиш материаллари билан савдо қилувчи йигитлардан келиши кутилаётган фойда кўзига камдек кўрина бошлади, шекилли, Паул Камдем янги ҳамкорига бошқача шарт қўйди. Яъни у янги ҳамкорига иш бошлаш учун олти юз минг доллар зарурлигини, агар иккаласи тенг шерикликда, уч юз минг доллардан тўплашса, фойда тенг бўлинишини айтади ва эски одатига кўра, чўнтагидан доллар чиқариб кўрсатади. Шунингдек, у қолган пуллари меҳмонхонада эканини айтишни ҳам унутмайди. Назарида, йўқ жойдан бири ўн бўлаётгандек туюлган Д.Исмоилов ҳам унинг барча шартларига рози бўлади.

Энди фирибгар фақатгина ҳар иккала ҳамкорининг маблағини қўлга киритса бўлгани эди.

* * *

Энди қурилиш моллари билан савдо қилувчи шаввозлар масаласига қайтсак. Фирибгар Паул Камдемнинг найрангларига лаққа тушган ҳамкорлар зудлик билан пул киритишга тушишади. Икки юз минг доллар эмас-ку, лекин саксон минг олти юз доллар топишади. Тўғриси, улар сира иккиланмасдан қарз кўтаришади. Чунки ҳеч ҳадемай оқиб келадиган фойда олдида саксон минг доллар деганлари арзимас маблағга айланиб қоладигандек туюлади. Ҳар ҳолда улар шундай ўйлашади ва шунинг учун қарз кўтаришдан чўчиб ўтиришмайди. Тўғри, укасининг хатти-ҳаракатидан хабар топган Д.Эгамбердиевнинг акаси уни ҳушёрликка чорлайди. Ва хорижлик "ишбилармон"га маблағни беришдан аввал уни яхшилаб текшириб кўришни маслаҳат беради.

Бироқ К.Кулбаев Паул Камдемга қўнғироқ қилиб, ҳозирча саксон минг олти юз доллар топишганини, қолган маблағни тўплаш учун вақт зарур эканини айтади. Паул Камдем эса борини олиб, "Юлдуз боулинг" олдига келишни, бу ерда у йигитларни хорижлик ҳамкорлари билан таништирмоқчи эканлигини маълум қилади. Ҳаводан келажак фойда кўзларини кўр қилган шаввозлар ҳеч бир шубҳага бормасдан у айтган жойга етиб келишади. Паул Камдем йигитларга тегишли машинада ўтириб маблағни санаб олгач, ҳозир сизларни янги ҳамкорлар билан таништираман, дея ўша ердаги бинолардан бирига кириб кетади ва ҳадеганда қайтиб чиқавермайди. Бундан шубҳаланган йигитлар бино ичкарисига кириб не кўз билан қарашсаки, унинг орқа томонида ҳам чиқиш йўлаги бор экан...

Шундан сўнггина ўзларининг чув тушганини тушуниб етган йигитлар аввалига меҳмонхонага югуришди. У ерда хорижлик Муҳаммад исмли тижоратчи йўқ эканини билгач, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишади.

Бу пайтда фирибгар Паул Камдем Д.Исмоилов билан учрашувга шошаётган эди. Улар пойтахтнинг Амир Темур кўчасида жойлашган "Ипотека" банки биноси ёнида учрашишади. Тижоратнинг анча-мунча ҳадисини олган Д.Исмоилов ҳамкоридан ўзаро шартнома талаб қилади. Буни қарангки, хорижлик бойвачча "албатта, шартнома тузамиз", дейди. Фақат бунинг учун у аввал пулни санаб кўриши лозимлигини, ана шундан сўнг шериклари олдига бориб, шартнома тузишини айтади.

Яна юқоридаги ҳолат такрорланади. Паул Камдем ҳамкорининг машинасига тириб, уч юз минг долларни санаб олади ва шерикларини чақириш учун бинолар орасига кириб кетганча, ортига қайтмайди...

Ўзининг чув тушганини билган тадбиркор эса ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилади.

Албатта, "Бузоқнинг югургани сомонхонагача", деган гап бекорга айтилмаган. Фирибгар Паул Камдем ҳам ҳеч қаерга қочиб кетолмади. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг фидойи ходимлари орадан бир неча кун ўтиб, уни ижара уйида қўлга олишди. Қўлга олиш жараёнида унинг шахсий юклари орасидан чиққан икки юзу етмиш беш минг олти юз доллар эгаларига қайтарилди. Бу ишни кўриб чиққан жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди фирибгарга тегишли жазо тайинлади. Шунингдек, ундан жабрланувчилар Д.Эгамбердиев фойдасига 105.095.925 сўм ва Д.Исмоилов фойдасига 28.073.397 сўм моддий зарарни ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимиз тарихи, маданияти доимо чет эллик-ларнинг эътиборини тортиб келган, аммо юртимизга ташриф буюраётган меҳмонларнинг барчасини ҳам холис ниятда, деб бўлмайди. Юқорида баён қилинган воқеа бунга мисолдир. Яратилган шарт-шароитдан унумли фойдаланиб мазмунли хордиқ чиқариш, беқиёс таассурот олиш ўрнига фирибгарликка қўл урган Паул Камдем исмли ҳийлагарнинг қисмати бошқаларга сабоқ бўлса, ажаб эмас. Зеро, қонун устувор бўлган юртимизда ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди.

Умид ДАВРОНОВ,
жиноят ишлари бўйича
Юнусобод тумани
судининг раиси
Ислом ҲАМРО,
журналист

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, васийлик ва ҳомийликни тайинлаш учун қайси идорага мурожаат қилинади?

К.ЗОЙИРОВ,
Хатирчи тумани

— Бунинг учун васий ва ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган шахс ўзи истиқомат қилаётган туман халқ таълими бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик органига ариза билан мурожаат этиши лозим.

Васийлик ёки ҳомийлик, васий ёки ҳомий бўлишни хоҳловчи шахсларнинг аризасига биноан туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади.

— Илтимос, омонат сақлаш шартномаси ҳақида тушунча бер-сангиз?

Ш.МАЛЛАЕВ,
Жиззах тумани

— Амалдаги Фуқаролик кодексининг 875-моддасига кўра, омонат сақлаш шартномаси бўйича бир тараф (омонат сақловчи) унга иккинчи тараф (юк топширувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тўлиқ ҳолида қайтариш мажбуриятини олади.

Омонат сақлашни ўз касб фаолиятининг мақсадларидан бири сифатида амалга оширадиган ташкилот (профессионал омонат сақловчи) омонат сақлаш шартномасида сақловчининг юк топширувчидан ашёни шартномада назарда тутилган муддатда сақлашга қабул қилиш мажбурияти кўзда тутилиши мумкин.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Jinoyat va jazo

Доно халқимиз «Ҳар ким экканини ўради», деб бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, ҳалол меҳнат ва яхшилик туфайли киши ҳаётда қадр топади. Аммо ҳаётда ўзгаларга хусумат қилиб, ҳатто товламачиликдан ҳам тоймайдиганлар кимсалар ҳам учраб туради.

Товламачи оға-инилар

Суд очерки

Товламачилик жинояти қандай кўринишда бўлмасин, у инсон қадр-қимматига, обрў-эътиборига салбий таъсир этиш билан бирга жамият барқарорлигига ҳам путур етказади. Одатда, товламачиликни ўзига касб қилиб олган кимсалар минг мақомда тусланиб, ўзларини қўй оғзидан хас олмагандай кўрсатсада, аслида, уларнинг қилмишлари замирида ғаразли мақсад ётади. Бундай кимсалар одамларни қўрқитиш ёки мавқеига таъсир этиш йўли билан моддий бойлик талаб қилишади. Энг ёмони, уларнинг бу кирдикорлари ортиқча безовталик ва асаббузарликларга ҳам сабаб бўлади.

Шўрчилик Маматвали Дўстқобилов ҳамда унинг укаси Маматмурод Бобоназаровни ҳам ана шундай кимсалар-тоифасига кўшиш мумкин.

«Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидек, ёшлари бир жойга бориб қолганига қарамасдан, улар ҳамон ўша эски «ҳунар»ини ташламаган экан. Ака-укалар навбатдаги «нишон»га қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ йиллар меҳнати сингган, тумандаги «Уста Чори Баҳром» фермер хўжалиги раҳбари Чори Назаровни олишган эди.

— Чорини боплаб тузоққа илинтиришнинг бир йўли унинг пахта даласидан кўсак ўғирлаш, — деди кунларнинг бирида Маматвали укаси Маматмурод ва ўғли Рашидни олдига чақириб. — Шунда Чори ёки ўғиллари барибир қаршилик кўрсатишади. Мабодо улар жанжал чиқарадиган бўлса, янада яхши. Ўзлари жиноятга йўл очган бўлади. У ёғини менга қўйиб бер, ўғлим. Қолаверса, амакинг ҳам қараб турмайди, — дея у ёнида турган укасига ишора қилиб қўйди. — Баҳонада Чори раисдан у-бу нарса ундириб оламиз.

Рашид отасининг айтганини қилди. Кечки пайт ҳали ҳосили тўлиқ йиғиштириб олинмаган далага кириб, пахта кўсакларини териб, қопларга жойлай бошлади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Хулқ-атвор — ҳар кимнинг қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир.

* * *

Соғлиқ ундан баҳраманд кишига ҳам, бошқалар учун ҳам буюк неъматдир.

* * *

Ёшлик — олижаноб туйғуларнинг бокира палласи.

* * *

Меҳнат билан ҳамма нарсага эришса бўлади.

* * *

Бировнинг хатоси — бошқага сабоқ.

* * *

Ҳақиқатнинг тили оддий.

* * *

Оддийлик инсоний қадр-қимматингни англашингдир.

* * *

Инсон ҳаётидаги энг ноёб нарса — унинг ўзгалар билан дўстлигидир.

* * *

Инсон тирик экан, ҳеч қачон умидсизланмаслиги керак.

2010-yil — Barkamol avlod yili

Эзгу қадрият ва анъаналар

баркамол авлод тарбиясида муҳим омилдир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бунинг устига ота-она соддароқ, болага яқинроқ тилда гапирадики, бу ҳам улуғ аждодларимиз бутун қиёфаси билан уларнинг кўз ўнгида гавдаланишига ёрдам беради. Дейлик, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз билан боғлиқ тарихий воқеалар.

«Соҳибқирон бобомиз улуғ эдилар», деган таърифни тўлдирувчи воқеаларни ҳикоя қилиб берсак, фарзандларимиз қалбига Амир Темур бобомиз янада яқинлашади. Манбаларда ёзилишича, мўғулларга қарши олиб борилган жангларнинг бирида Темурбек йигитларига:

— Ҳар бирингиз отингизнинг икки биқинига бир боғдан шохшабба боғланг, унинг бир учи ерда бўлсин! — дея буйруқ беради. Отлар мўғуллар эгаллаб турган қалъага томон юрганида шундай чанг-тўзон кўтариладики, ёв Темурбек сон-саноқсиз лашкар билан бостириб келяпти, деб Кеш шаҳрини ташлаб қочади. Темурбек эса она шаҳрини 300 кишилик лашкари ва ажойиб тадбири билан осон эгаллайди.

Агар ёшларга дастурхон бошида ёки дам олиш соатларида бундай воқеалар сўзлаб берилса, воқеа қаҳрамони қалбга муҳрланиб қолиши шубҳасиз.

Ёки бошқа бир тарихий воқеани олайлик. Самарқандни мўғул лашкарлари яна босиб олиш хавфи туғилганида шаҳарда сарбадорлар бош кўтаради. Сарбадорлар қўзғолонининг бошлиқлари мадраса мударриси Мавлонзода, ҳунарманд Абубакр Калавий ва мерган Хурдак Бухорий эди. Улар шаҳарга кириб келаётган душманни оддий халқ ёрдами билан тор-мор этади. Улар шундай шиддат билан курашадики, ёв нафақат Самарқанддан, балки Мовароуннаҳрдан ҳам чиқиб кетади. Бу хушхабарни эшитгач, шу орзуда курашиб, гоҳ енгиб, гоҳ мағлуб бўлиб юрган Амир Темур билан Амир Ҳусайн бекларни тўплаб кенгаш ўтказадилар. Самарқанд тахтига кимни ўтказиш ҳақида гап очилганида Амир Ҳусайн:

— Қўйинг ўша авом-ун-носни! (халқни назарда тутмоқда — Н.М.). Ҳукмдорлар қачон ўшал авом-ун-носнинг маслаҳатига зориққан... Амру фармонимизга итоат қилишга мажбурлар, ўшал авом-ул-нос! — дейди такаббурлик билан.

Бундан Амир Темурнинг жаҳли чиқиб:

— Ўша авом-ун-нос, Ҳусайнбек, мамлакатни мўғулларнинг истилосидан сақлаб қолди. Сизу биз молу жонимизни ўйлаб Самарқандни ташлаб кетганда ўша авом-ун-нос уни мўғул босқинидан асраб қолди! — дейди.

Агар болаларимизга шу кичкина воқеани оддий ва содда тилда гапириб берсак, Соҳибқирон бобомизни нима учун «раиятпарвар», «фуқаропарвар» дея улуғлашимизнинг сабаби маълум бўлади. Миллий ғурур уйғотиш — баркамол авлод тарбиясининг асосий қисми. Ҳар битта фикримизни тарихий маълумотлар билан асосласаккина, қўнгилда уйғонган, қўнгилда тўлқинланган ҳиссиётлар ишончли бўлади.

Тарихни варақласак, ҳазрат Соҳибқирон бобомизга зийнат бўлган фазилатларга ҳар саҳифада дуч келамиз.

Мир Саййид Шариф Журжоний фалсафа, фиқҳ ва илми нужумдан ифтихор ул-замон — замонасининг ифтихори ҳисобланарди. Шунинг учун Амир Темур уни Шероздан Самарқандга олиб кетади. У бундай олимларни қаердан бўлмасин ўзи билан олиб кетар ва уларга ҳомийлик қиларди.

Тарихчилар Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий ва улар ёзган тарихларга таяниб ёзилган Бўрибой Аҳмедов, Муҳаммад Али ва бошқаларнинг асарларида учрайдиган юқоридаги каби маълумотларнинг фақат ўқитувчилар учун эмас, ота-оналар, оила давраси учун ҳам аҳамиятлидир. Зеро, истиқлол бахш этган эркинлик, қадр учун ҳар биримиз — ўзимиз, фарзандларимиз олдида масъулмиз.

Нилуфар МИРЗАЕВА,
Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети тадқиқотчиси



Шахмат ҳангомалари

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

Таль даъвогарларнинг финал матчида Спасскийга ютқазиб қўйиб, жаҳон чемпионлиги учун Петросян билан ўйнаш ҳуқуқидан маҳрум бўлганда, кайфияти тушиб кетади. Ёзувчи Леонид Жуховицкий унга далда беришга уринади:

— Хафа бўлманг, «Михаил Таль» деган ном жаҳон чемпиони унвонидан баландроқ туради.

— Бир ҳисобдан шундай бўлгани ҳам балки яхшидир, — дейди Таль. — Петросян билан 24 партия ўйнашни тасаввур қилолмайман.

Ёзувчи уни қўллайди:

— Ҳа, у шунақа шахмат машинаси...

— Агар шундай бўлганда-ку бунга бир амаллаб чидаш мумкин эди, — дея жавоб қилди Таль. — Аммо бу шахмат машинаси эмас, нақ шахмат арраси!

***

Михаил Таль машҳур қалмиқ шоири, ашаддий шахмат мухлиси Давид Кўғултиновга шундай бир ғаройиб воқеани ҳикоя қилиб берган эди.

Ботвинникни ютиб жаҳон чемпиони бўлгач, Таль бироз дам олмоқчи бўлади ва бир ойгача шахматга яқинлашмай туришга қарор қилади. Аммо кутилмаганда юз берган бир ҳолатдан режасини ўзгартиришга мажбур бўлади. Ўша чемпионлик матчидан бор-йўғи икки кун ўтгач, унинг ҳузурига дурустгина шахматчи бўлган бир таниш врач-психиатр кириб келади. У Тальга касалхонада ётган ўн етти ёшли бир йигит ҳақида гапириб беради. «Бу йигитнинг руҳияти сал ғалатироқми-ей, — дейди врач, — у ўзини чемпионларнинг чемпиони деб ҳисоблайди, қачонлардир ўтмишда Алёхин ва Капабланкаларни ҳам ютганман ва энди менга тенг келадигани йўқ, деб ҳисоблайди. Уни даволашнинг ягона чораси — шахматда уни мағлуб этишдир, шунда эс-ҳуши жойига қайтади».

Ёш йигитнинг саломатлиги учун Таль бу илмий тажрибага рози бўлиб, касалхонага йўл олади. У палатада ўсмирга сал-пал шахматга даҳлдор эканлигини ва ҳатто Ботвинник билан танишлигини писанда қилиб қўяди.

Бу орада жангга иштиёқи баланд бўлган ўсмир Тальга имтиёз асосида ўйнашни таклиф этади, чемпион аранг имтиёзни бекор қилиб, ҳалол ўйнашга кўндиради. Ўйин бошланади. Шунда мўъжиза юз бергандек бўлади. «Шахмат сеҳргари» деб ном чиқарган Таль ёш рақибининг шиддатли ҳужумига тоб беролмай таслим бўлади. Дарҳол иккинчи партия бошланади. Бунда энди Таль ўзининг бор маҳоратини ишга солишга мажбур бўлади, рўпарасида худди Ботвинник ўтиргандек туюлади. Ўсмир менсимайроқ дона суради ва ҳисоб биру бир бўлади.

Мағлубият ўсмирга қаттиқ таъсир қилади, бунинг устига врач ҳам муолажа мақсадида мижозига иддао қилиб қўяди: «Сен қанақасига чемпионсан, нотаниш бир ҳаваскорга ютқазиб ўтирибсан-ку!»

Таль қичқириб юборишдан аранг ўзини тийиб қолади, ўсмирни алдаганлигини, унинг беқиёс шахматчи эканлигини, жаҳон чемпиони билан дуранг ўйнаганини айтиб болакайни суюнтирмоқчи бўлади. Аммо врач Тальга сирни ошкор этишига рухсат бермайди, гроссмейстер ҳам барибир ўсмирнинг истеъдодини яшириш мумкин эмас ва кўп ўтмай унинг довруғи оламга ёйилади, дея кўниб қўя қолади.

Врачнинг ўйлаб топган чораси, даволаш усули тўлатўкис ўзини оқлайди. Дарҳақиқат, шундай шахмат терапиясидан кейин ўсмир соғайиб кетади. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор эди, энди ўсмир ҳамма жабҳада оддий одамга айланиб қолади, руҳий зарба бир лаҳзада «шахмат Паганиниси»ни ўзига хосликдан маҳрум қилган эди.

Бу ғаройиб воқеа Кўғултиновга шу қадар кучли таъсир қиладики, шоир кўп ўтмай «Шахматчи» номли достон ёзади.

Бахтимизга, бу воқеанинг интиҳоси у қадар ғамгин эмас, аксинча, кулгилидир. Кейинчалик Таль Кўғултиновга ўша касалхона ҳам, врач ҳам, ўша ғаройиб ўсмир ҳам ҳаётда бўлмаганлигини, буларнинг ҳаммасини ўзи ўйлаб топганлигини тан олиб айтган эди. Бу беқиёс сюжетни у шоирнинг фантазиясини бир қитиқлаб, шахматнинг сирли-сеҳрли оламига эътиборини қаратмоқчи бўлган экан. Оқибатда Таль мақсадига эришади.Шоир ҳам ундан миннатдор бўлади. Таль сирни достон ёзилгандан кейингина очган эди.

***

Ҳаётининг сўнгги йилларида Таль ўзини анча олдириб қўйган эди. Кунлардан бир куни Германияда танишлардан бири у билан саломлашади.

— Раҳмат! — дейди Таль.

— Нима учун?

— Мени таниганингиз учун!

***

Таль Каспий денгизи қирғоғидаги машҳур Боку соҳилида айланиб юрган эди. Ёнига бир нотаниш одам келиб шундай дейди:

— Йигитча, сиз гроссмейстер Тальга жудаям ўхшар экансиз. Тўғри, у сиздан кўра, анча савлатлироқ.

— Ҳа, биламан, — деди Таль бош ирғаб, — менга бу ҳақда айтишган эди.

***

Таль шахмат устаси ва журналист Евгений Бебчук билан кўп йиллар дўст бўлган, улар тез-тез бир-бирига ҳазил қилиб туришган.1980 йилнинг ёзида Таль Сочида бўлганида уни нуфузли бир санаторийга сеанс бериш учун таклиф этишади. Таль хотини билан қизини олиб бормасликка қарор қилади, аммо Бебчук уларни машинага ўтқазиб, санаторийга олиб келади. Сеанс бошланишидан олдин Таль анъанага кўра, даврани айланиб ўйинчилар билан танишиб чиқади. Столлардан бирида унинг беш яшарлик қизи пусибгина ўтирган эди. Таль навбатдаги рақибининг олдига келиб «Михаил Таль» дея қўл узатади. Шунда унинг қўлини қизалоғи қисиб, жиддий алпозда «Жанна Петухова» (Петухова — қизалоқнинг онаси, Тальнинг хотинининг қизлик фамилияси эди) дея жавоб қилади. Йиғилганлар анча жиддий одамлар эди, атрофдан норозилик аломати сифатида хуштаклар чалинади, Таль сеансни спектаклга айлантирмаслик учун биринчи юришни қилиб, Жаннага дуранг таклиф қилади.

Жанна «Мен ўйлаб кўраман» дея совуққина жавоб қилади. Сеанс қатнашчилари ва томошабинлар бундан ҳайратга тушадилар. Ҳарқалай, охир-оқибат Петухова хоним дурангга рози бўлади. Бу сеансдаги ягона дуранг эди, Таль қолган ўйинларнинг ҳаммасида ғалаба қозонади.

(Давоми бор)

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

У муқаддам жиноят ишлари бўйича Бектемир тумани суди томонидан талончилик жиноятини содир этгани учун уч йил муддатга озодликдан маҳрум этилган, Жиноят кодексининг 72-моддага асосан, икки йил синов муддати белгиланган, 2005 йилда эса, амнистияга биноан, жазодан озод қилинган эди. Аммо у бу бағрикенгликдан тўғри хулоса чиқариб олмади. Яна жиноий қилмишга қўл урди.

Saboq

Ҳалолликда ҳикмат кўп

Аниқроқ айтганда, у 2010 йил 2 июнь куни Г.Ертаева деган аёл билан танишиб, унга сўмни АҚШ долларига алмаштириб беришни таклиф қилади. Шу куни тушдан сўнг Ғайрат Чинор маҳалласида шериги билан учрашиб, ёнидаги 6.000 АҚШ долларини сотаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора ходимлари томонидан ушланди.

F.Холиқуловга нисбатан Жиноят кодексининг 177-моддаси 3-қисми «а» бандига биноан жиноят иши қўзғатилди. Дастлабки тергов ва суд мажлисида F.Холиқулов айбига тўлиқ иқрор бўлди. Мазкур жиноят ишини батафсил кўриб чиққан суд айбдорга қилмишига яраша жазо тайинлади. Далилий ашё сифатида олинган 6.202 АҚШ доллари ва 874.000 сўм давлат фойдасига ўтказилди.

Қонун ҳақни ҳаққа, ноҳақни ноҳаққа бехато ажратади. Бошқача айтганда, виждони тоза киши айбдорлик курсисига ўтирмаганидай, қонунга хилоф иш қилган кимса ҳам жазодан қочиб қутулолмайди. Худди шу маънода жиноят йўлида ҳамтовоққа айланган Ойдин Гусенова билан Саидносир Мансуров ҳам қонун посбонларининг назаридан четда қоламиз, деб адашишган эди. Улар Миробод деҳқон бозорида қонунга хилоф равишда валюта олди-сотдиси билан шуғулланганлари учун жиноий жавобгарликка тортилди. Ҳамтовоқлар жиноят ишлари бўйича Миробод тумани суди томонидан Жиноят кодексининг 177-моддаси 2-қисми «в» банди билан айбдор деб топилди. Уларга энг кам иш ҳақининг 75 баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди. Далилий ашё сифатида олинган 210 АҚШ доллари ва 1.709.500 сўм эса давлат фойдасига мусодара этилди.

Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳалоллик билан топилган, пешона тери эвазига келган мол-дунёгина кишини бахтиёр этади, соддагина қилиб айтганда, эгасига буюради. Қинғирлик билан осонгина даромад қиламан, деган кимсалар эса хомхаёлга берилиб, хато қилади.

Ёқутхон ҲАЙДАРОВА,
жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг раиси

Maslahat

Судланганлик ҳолати

уни бекор қилиш тартиби қандай?

Аввало, судланганлик ҳолати ҳақида гапирадиган бўлсак, Жиноят кодексининг 77-моддасида таъкидланишича, судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир.

Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс эса, судланмаган саналади.

Судланганлик ушбу кодексда назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 79-моддасига мувофиқ, агар шахс озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб бўлгандан сўнг унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чоралари қўлланилмаган бўлса, жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки жазони ўтаб чиққан шахснинг ўзи берган илтимосномасига кўра, суд ушбу кодекснинг 78-моддасида назарда тутилган муддатларнинг камида ярми ўтгандан сўнг унинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин.

Ўн беш йил ва ундан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаб чиққан шахслар ҳамда ўта хавфли рецидивистлар, агар улар жазони ўтаб чиққандан кейин ўн беш йил мобайнида янги жиноят содир этмасалар, суд уларнинг судланганлигини олиб ташлаши мумкин. Бунинг учун судга илтимоснома билан мурожаат этилади.

Судланганлик афв этиш ёки амнистия акти асосида ҳам олиб ташланиши мумкин.

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Рашиднинг беписанд ҳаракатлари Чори Назаровнинг хўжаликда иш юритувчи бўлиб ишлайдиган ўғли Бозорга оғир ботди. Шу боис улар «сен-мен»га бориб қолди. Кейин эса ўзаро тортишув катта можарога айланди.

Аслида Маматвалига шу керак эди. У жанжалдан сўнг ўғлини гўё жабрдийда кўрсатиб, аввал ички ишлар бўлимини «воқеа»дан хабардор қилади, кейин эса ўғлини туман шифохонасига жойлаштиради.

Тиббий-экспертиза ходимлари Рашиднинг енгил тан жароҳати олгани хусусида хулоса беришади. М.Дўстқобилов эса шифокорларни нохолисликда айблаб, уларнинг устидан арз қила бошлайди.

Хуллас, можаро судгача бориб етади. Жиноят ишлари бўйича Шўрчи тумани суди бу жанжалга ҳуқуқий баҳо бериб, айбдор Бозор Назаровга нисбатан маъмурий жарима жазосини қўллайди. Аммо М.Дўстқобилов қонуний ажримни тан олмасдан, шикоятбозлик йўлига ўтади.

Эндиликда ўзини тамомила «ҳақпарвар» қилиб кўрсатган М.Дўстқобилов Ч.Назаровдан очиқдан-очиқ 10 миллион сўм маблағ ёки 30 сотих томорқа беришни, йўқса, арз ва шикоят қилишни тўхтатмаслигини айтиб, ошкора тамагирлик қилишга ўтади.

Маҳалла оқсоқолларининг бир неча марта М.Дўстқобиловни инсофга чақириб, муросага келтириш учун қилган ҳаракатлари ҳам беҳуда кетди. Хусумат авж олса олдики, бироқ пасаймади.

Бу орада Маматвали Дўстмуродов укаси Маматмурод Бобоназаровни ҳам «иш»га солиб, улар Ч.Назаровдан пул ундириш мақсадида турли ҳийла-найрангларни ўйлаб топишади.

Бу машмашалардан безиб кетган Ч.Назаров ака-укаларнинг қилмиши хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Ўзаро «келишув»га кўра, 3 миллион 500 минг сўм пул Чори Назаров томонидан гувоҳлар иштирокида ака-ука М.Дўстқобилов ва М.Бобоназаровга бериладиган бўлди.

Ака-укалар маҳалла идорасига чақиртирилгач, 3,5 миллион сўм маблағнинг ака-укалар шу дамда бир нарсадан, 3 миллион 500 минг сўм маблағни белбоққа тугиб, кўчага чиқаётганларида ўзларини тезкор гуруҳ ходимлари кутиб турганидан мутлақо бехабар эди.

Ака-укалар жиноят устида қўлга олинди...

Суд дастлабки тергов идораси томонидан М.Дўстқобилов ва М.Бобоназаровнинг жиноий ҳаракатлари Жиноят кодексининг 165-моддаси, 2-қисми «б», «в» бандлари билан, яъни бир гуруҳ шахс бўлиб, олдиндан тил бириктириб товламачилик, яъни жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб, ўзгадан кўп миқдордаги мулкни, мулкий ҳуқуқни топшириш, мулкий манфаатлар беришни, мулкий йўсиндаги ҳаракатларни содир этишни талаб қилиб, шунингдек, жабрланувчини ўз мулки ва мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш ҳолатидан келиб чиқиб, тўғри малакаланган, деган тўхтамга келди.

Суд Жиноят кодексининг юқорида таъкидланган моддаларига асосан Маматвали Дўстқобилов ҳамда Маматмурод Бобоназаровга нисбатан жазо тайинлаш ҳақида ўз ҳукмини ўқиди.

Кўпни кўрган, бири олтмишдан ошган, иккинчиси эса олтмиш ёш бўсағасида турган ака-укалар ҳалол яшаб, фарзандларига ибрат бўлиш ўрнига бошқалар дилига озор бериб, улар ҳисобидан нопок бойлик орттириш пайида бўлишди. Оқибатда эса ўзлари тўқиган фириб «тўри»га ўзлари илиниб қолишди.

Jinoyat va jazo

Товламачи ога-инилар

Аббос ХОЛМЎМИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Шўрчи тумани судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 030 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФАЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-818. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда эркин нархда. Адади: 7056.
2 3 4 5 Топширилди: 20⁰⁰